Ушбу сонда:
2 БИРОВЛАРНИ АЛДАГАН аслида ўзини алдайди
3 БАҲОНИ ЎҚИТУВЧИ, ТАВСИФНИ ЎҚУВЧИ БЕРАДИ
4 ДИЛДАГИ ГАПЛАР юзингиз, ҳамёнингиз, дарвозангиз очиқ бўлсин

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 10 феврал, жума № 23 (2072)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ СЕЛ-ТОШҚИН ВА КЎЧКИ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошқин ва сел оқимлари келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш, кўчкиларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва бу борада олиб борилаётган муҳофаза ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қор кўчишлари, тошқин ва сел оқимлари хавфсиз ўтишини таъминлаш, кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссияси (бундан кейин - Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси) таркиби тасдиқлансин.

2. Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси:

бир ҳафта муддатда 2006 йил баҳор-ёз даврида қор кўчишлари, тошқинлар, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича асосий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг бажарилишини таъминласин;

2006 йил 15 мартгача Ўзгидромет ва Давлат геология қўмитасининг тегишли хизматлари маълумотлари асосида хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликлар рўйхатини белгиласин ва уни мунтазам аниқлаштириб борсин, мазкур ҳудудларда яшайдиган аҳолини вақтинча кўчириш ёки (зарурат бўлса) республиканинг хавфсиз ҳудудларига доимий яшаш учун босқичма-босқич кўчириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режада кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг муассаса ва ташкилотлари самарали ҳамкорлик қилишини ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин.

3. Ўзгидромет (В.Чуб) ва Давлат геология қўмитаси (Н.Аҳмедов):

2006 йил 20 февралгача Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликларига хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликлар, аҳоли пунктлари ва одамлари вақтинчалик кўчирилиши ёки кўчириб кетилиши зарур бўлган бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсин, шунингдек, муҳандислик-техникавий муҳофаза чора-тадбирларини ўтказиш бўйича таклифлар берсин;

гидрометеорологик вазият ва геологик жараёнларнинг узлуксиз мониторингини ташкил этсин ва амалга оширсин, бунда А-373 «Тошкент-Ўш» автомобил йўлининг «Қамчиқ» довонидаги қисмига алоҳида эътибор қаратсин, хавфли ҳудудларга тушиб қолган янги объектлар тўғрисида зудлик билан ахборот тақдим этилишини таъминласин;

ёзги таътиллар ва мактаб таътиллари мавсуми бошланишидан олдин болалар соғломлаштириш лагерлари, санаторийлар, дам олиш уйлари, сайёҳлик базалари ва пансионатлар жойлашган ҳудудларни муҳандислик-геологик текширувдан ўтказсин. Зарур бўлганда, объектларни вақтинча ёпиш ёки керакли муҳофаза чораларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда кўрсатмалар киритсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, объектлари ва хўжаликлари хавфли ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқаролар томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриш тўғрисидаги тегишли огоҳлантириш ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишни таъминласин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда тўпланган қорнинг ҳажми, сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш, ўпирилиш хавфи бўлган тоғ кўлларининг ҳолатини баҳолаш ҳамда бу жойларда гидрометеорологик вазият ва геологик жараёнларнинг ривожланиш суръатини доимий кузатиш ва прогноз қилиш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида тоғли ва тоғолди туманларда, шу жумладан, зарурат бўлганда, чегарадош давлатлар ҳудудида (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда) 2006 йилнинг 1 мартидан 1 сентябригача бўлган даврда мунтазам аэровизуал рекогносцировка олиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиши таҳдидларига қарши ўз вақтида чора кўриш ҳамда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ишларни тезкор ташкил этиш ва бошқариш учун вилоят ва туман (хавфли туманларда) штаблари ташкил этсин; мазкур штабларни зарур миқдорда транспорт воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва алоқа воситалари билан таъминласин;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2006 йил 15 мартгача хавфли участкаларни аниқлаш учун гидротехник иншоотлар, кўприклар, қирғоқлар, дарёлар ўзанлари ва сойларнинг ҳолатини ўрганиб чиқсин, уларни тозалаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муҳофаза чоралари ва авария- тиклаш ишлари бажарилишини таъминласин;

рухсатсиз қурилиш ва норуда материаллар қазиб олиш, дарёлар ўзанида бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш оқибатида дарёлар, каналлар ва сойларнинг сув ўтказиш имкониятлари камайиши ҳолларига йўл қўймасин ва бунинг қатъий олдини олсин;

Давлат геология қўмитаси ва Ўзгидромет кўрсатмалари асосида хавфли ҳудудлардан кўчирилиши зарур бўлган хўжаликлар аҳолисининг ўз вақтида ва бехатар кўчирилишини таъминласин. Хавфсиз жойларга кўчирилаётган кишиларнинг ҳаёт кечириши ва муносиб турмуши учун зарур барча шароитларни яратсин, улар орасида тегишли тушунтириш ишларини олиб борсин;

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансида турган дарё ўзанлари ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ва уларни тозалаш чора-тадбирларини молиялаш асосланган ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетлар заҳира фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Исмоилов), «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси (Т.Камолов):

бир ой муддатда гидротехник иншоотларнинг (каналлар, дамбалар ва сел йўллари) сел ва тошқин сувларини хатарсиз ўтказиб юборишга тайёрлигини текширсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда 2006 йилнинг 15 мартигача ўзанли сув омборларини текширсин ва ушбу сув омборларининг сел ҳамда тошқин сувларини хавфсиз қабул қилиш ва хатарсиз ўтказиб юборишга доимий тайёрлигини кафолатловчи иш тартибини таъминлаш устидан назорат ўрнатсин, тошқинлар бошланганда ҳар бир ўзанли сув омборида рухсат этилган энг юқори ҳажмнинг камида 30 фоизи миқдорида бўш жой мавжуд бўлишини таъминласин;

сел ва тошқинлар пайтида жойлардаги барча бўлинмаларда раҳбар ходимларнинг туну кун навбатчилигини ва сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ишлашини назорат қилишни таъминласин.

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Б.Субанов):

вазирликнинг ҳудудий бошқармалари шахсий таркибини сел ва тошқинлар юз берадиган давр мобайнида кучайтирилган иш тартибига ўтказсин, қидирув-қутқарув бўлинмалари ва тезкор гуруҳларнинг хавф ёки фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда белгиланган вазифаларни бажаришга доим тайёрлигини таъминласин;

хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятларни кузатиш бўйича маълумотларни тўпласин ва таҳлил қилсин, фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфини камайтириш ва ушбу ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш бўйича зарур чора- тадбирларга доир таклифларни Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига ўз вақтида тақдим этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзгидромет билан биргаликда фавқулодда вазиятлар юзага келишининг мониторингини амалга ошириш ва бундан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида ўпирилиш хавфи мавжуд бўлган тоғ кўлларини кузатиш учун тегишли техника ва сифатли алоқа воситалари билан жиҳозланган муваққат постларни ўз вақтида ташкил этишни таъминласин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда хабардор қилиш тизимининг пухта ишлашини, фавқулодда вазиятлар хавфи тўғрисидаги ахборот ва сигналларни ўз вақтида етказиш ва тегишли вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда аҳолини хабардор қилишни таъминлашга доир чораларни кўрсин;

2006 йилнинг баҳор-ёз мавсумида сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд бўлган участкаларда тегишли кўникмаларни машқ қилиш ва зарур ҳимоя ишларини амалий бажариш мақсадида махсус тактика машғулотларини ўтказсин;

Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси қарорларининг бажарилишини самарали мувофиқлаштириш ва қатъий назорат қилишни таъминласин.

7. Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, дахлдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда табиий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда аҳоли (жумладан, кўчирилган шахсларнинг муддатдан олдин қайтиши), транспорт воситалари ва техникани хавфли участка ва ҳудудларга қўймаслик мақсадида йўллар, транспорт коммуникацияларида қўшимча постлар ва огоҳлантирувчи белгилар қўйилишини таъминласин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) 2006 йилнинг 1 апрелигача Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматларидан Ўзгидромет бўлинмалари томонидан ушбу мамлакатлардаги тоғолди ва тоғли ҳудудларда қор заҳираси ҳажмини аниқлаш, тоғ кўлларини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги участкаларга хавф туғдирувчи сел, тошқин ва кўчки хавфи бўлган зоналарни аниқлаш мақсадида аэровизуал текширишларни ўтказиш учун рухсат олиш ҳамда уларнинг ҳолатини биргаликда мониторинг қилиш масаласини тегишли тартибда ҳал этсин.

Молия вазирлиги (Р.Азимов) белгиланган тартибда Ўзгидрометга Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фондидан чегарадош давлатлар ҳудудидаги тоғолди ва тоғли туманларда аэровизуал текшириш ишларини ўтказиш учун 101 миллион сўм миқдорида мақсадли йўналтирилган маблағ ажратсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) вақтинчалик ва доимий яшаш жойларига кўчирилган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ва бу жойларда санитария-эпидемиология назоратини таъминласин. Фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда дори-дармон, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши воситаларнинг етарли даражадаги заҳирасини ташкил этсин.

10. «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси (М.Абдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда А-373 «Тошкент-Ўш» автойўлининг «Қамчиқ» довони участкасида одамлар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш мақсадида муҳандислик-техник муҳофаза тадбирлари бажарилишини таъминласин. Республиканинг бошқа ҳудудларидаги автойўллар табиий ҳодисалар оқибатида бузилган ҳолларда уларни қайта тиклаш учун зарур куч ва воситалар тайёр туришини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Тошқин сувларини, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 9 феврал

БУЮК ДАҲОГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтган тадбирда жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар, юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов истиқлол йилларида Алишер Навоий даҳосига эҳтиром кўрсатиш, асарларини чуқур ва мукаммал ўрганиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. Зеро, ул зот ўз асарларида тараннум этган эзгу ғоялар мустақил Ватанимизнинг бугунги ҳаёти, озод халқимизнинг истиқболли орзу-мақсадларида ўз ифодасини топмоқда.

Навоийшунос олим Қодиржон Эргашев, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин, шоир Мирпўлат Мирзо ва бошқалар Алишер Навоий мероси нафақат халқимиз, бутун башариятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланганини қайд этдилар.

Айни пайтда улуғ мутафаккир ўз асарларида тараннум этган эзгу ғоялар бутун инсониятни тинчликка, ҳамжиҳатликка даъват этиб келаётир. Тадбирда буюк шоир асарларидан намуналар янгради. Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги шоир номи билан юритилувчи кўчада - Шоирлар хиёбонида мушоира бўлиб ўтди. Алишер Навоий ҳазратлари таваллуд кунига бағишланган учрашувлар, анжуман ва кечалар юртимизнинг барча вилоятлари, олий ўқув юртлари, кутубхоналар, маънавият масканларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

«ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида янги русумдаги «Дамас В-150» автомобили ўзлаштирилди. Ушбу машина аввалгисидан кўра хавфсиз ва шинам. Ташқи кўриниши ҳам ўзгарган. Автомобилнинг олд қисми 265 миллиметр узайган. Бошқарув мосламалари эса ҳайдовчи учун анча қулайлаштирилган. Янги «Дамас»нинг олдинги ва орқа чироқлари биллурдан тайёрланган. Бироқ ушбу ўзгаришларда энг асосий эътибор ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигига қаратилган.

«ЎЗДЭУАВТО»НИНГ ЯНГИ АВТОМОБИЛИ

- Ички ҳамда ташқи бозорда харидоргир бўлган аввалги «Дамас В-100» русумдаги автомобилнинг хавфсизлик борасида камчиликлари бор эди, - дейди «ЎзДЭУавто» заводи бош директорининг техник масалалар ва ривожланиш бўйича ўринбосари Маврутали Ражапов. - Янги русумдаги машинага ушбу нуқсонларни бажарувчи 20 та эҳтиёт қисм ўрнатилди. Энди янги «Дамас» ушбу параметрлар бўйича халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Янги «Дамас»ни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни модернизация қилинди. Пресслаш цехида 4 та пресслаш қолипи ўзгартирилди. Пайвандлаш цехида янги линия ишга туширилди, мавжудлари модификация қилинди. Йиғиш цехида ҳам ўзгартишлар амалга оширилди.

Барча ишлар ниҳоясига етгач, ўтган йилнинг декабри охирида тажриба автомобили ишлаб чиқарилди. Феврал ойида эса 80 та янги русумдаги машина ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Тахминан май ва июнда янги «Дамас» эскисининг ўрнини тўлиқ эгаллайди.

Етакчи минбари

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН

Давр касаба уюшмалари олдига катта масъулият юкламоқда. Зиммамизга олган вазифаларни бажариш ҳар бир етакчи ва фаоллар учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Айникса, Ўзбекистон касаба уюшмалари IV Қурултойида фаолиятимизга берилган холис баҳо ва кўрсатмалар биздан янада уюшқоқлик билан ишлашни талаб қилмоқда.

Маълумки, демократик жамиятда жамоат ташкилотларининг мавқеи ортиб, ваколатлари кенгайиб боради, Бироқ бу жараён ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. "Инсонга наф келтириш — олий бахт" деган тушунча шиоримизга айланганлиги ҳам шу боис. Зеро, Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмалари учун ҳам ишчи-хизматчилар манфаатидан устивор масала йўқ.

Ўтган беш йил ичида биргина тармоқнинг Андижон вилояти Вакиллиги, аъзоларининг сафи 625 нафарга ошди. Бу кўрсаткич нафақат давлат ва жамоат бирлашмалари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ҳисобига, шунингдек, мулкчилик шаклининг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи жамоалари эвазига ҳам такомиллашиб борди.

Маълумки, жамоа шартномаларининг бажарилиши ижроси юзасидан умумлаштириш ва таҳлилий мониторинг назорат механизми мавжуд. Бунга кўра ҳар йили оммавий спорт билан шуғулланувчиларнинг сони 24 фоизга ошмоқда. Шунингдек, ҳар йили сиҳатгоҳларда 40-45 нафар соғломлаштирилган аъзоларнинг ўртача 4-5 нафари бепул йўлланмалар билан таъминланмоқда. Ўтган йили соғломлаштириш тадбирлари учун сарфланган 12 миллион 800 минг сўм маблағнинг 40 фоизи касаба уюшмалари ҳисобидан бўлса, қолган қисми иш берувчининг маблағлари эвазига амалга оширилди. Тармоққа қарашли ташкилот, муассасаларнинг деярли барчасида хотин-қизлар учун имтиёзлар сақлаб қолинган. Жумладан, "Андижоннома" газетаси таҳририят жамоасида қиш фаслида иш ҳақлари тўлиқ сақланган ҳолда бир соат иш вақтининг қисқартирилиши, "Андижон" нашриёти Матбаа очиқ акциянерлик жамияти ишчи-ходимлари учун сут маҳсулотларининг бериб борилиши ва корхонада тушлик ва тунги сменадагилар учун овқатланиш пуллари 50 фоизга камайтирилганлиги, бепул тиббий хизматнинг йўлга қўйилганлиги, Андижон санъат коллежида эса йўлланмалари нархининг 50 фоизи иш берувчи томонидан тўланиши анъанага айланган.

Сир эмас, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик масаласини ҳал этиш долзарб вазифаларимиздандир. Тармоғимизда ташкилот ва муассасаларнинг қарздорлик ҳолатлари бўлмаса-да, бу борада ўқув-семинар тренинггi ташкил этилиб, Вакилликнинг "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асослари" деб номланган ўқув қўлланмаси чоп этилди ва тармоқ ходимларига тарқатилди.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Лекин, ҳеч бир шубҳа йўқки, масъулият ҳисси сўнмаса, муаммоларнинг ечими ҳамиша топилади.

Р.ЖЎРАБОЕВА,
Республика Маданият ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Андижон вилояти бўйича вакили

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ҚЎМИТА РАИСИ КИМ?»

Газетамизнинг шу йил 17 январ сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилганди. Унда Наманган вилояти Чуст туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашининг фаолиятидаги камчиликларга эътибор қаратилганди.

Яқинда вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгашидан мақолага билдирилган муносабат хатини олдик. Жумладан, унда шундай дейилади:

"Газетада танқидий мақола чиққанидан сўнг тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидаги барча бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида йиғилиш ўтказилди ҳамда кўтарилган масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам охирги йилларда туман Кенгаши, хусусан, унинг собиқ раиси фаолиятида кўплаб камчиликларга йўл қўйилган. Бундай вазиятни тубдан ўзгартириш мақсадида 2005 йил ноябр ойида туман кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми ўтказилди. Қатнашчилар вужудга келган ҳолатни танқидий руҳда баҳолаб, касаба уюшмаси фаолиятини янада жонлантириш, йўл қўйилган камчиликларни тез орада бартараф этиш бўйича таклифлар билдиришди. Мазкур мажлис қарори билан туман кенгаши раиси М.Бобоев ишдан озод этилиб, унинг ўрнига М.Маърупов сайланди.

Пленумдан кейин ўтган даврда тармоқ касаба уюшмаси Чуст тумани кенгаши томонидан бир мунча ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, вакант бўлиб турган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида йиғилишлар ўтказилиб, қўмита раислари сайланди. Бундан ташқари, тумандаги мавжуд ташкилотларда иш ҳақидан бўлган қарздорлик масаласи алоҳида назоратга олиниб, уни камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ҳозирги кунда тумандаги бир қатор ширкатлар тугатилиб, уларнинг ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан касаба уюшмаси аъзолари манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, мақола барча туман кенгаш раислари иштирокда бўлиб ўтган йиғилишда муҳокама этилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда нуқсонларга барҳам бериш чоралари ишлаб чиқилди».

А.ФАЯЗОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси

ФИКР АЛМАШУВ

назарий ва амалий билимларни оширмоқда

Замон касаба уюшмалари олдига янгидан-янги талабларни қўймоқда. Жамиятимизда кечаётган маънавий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида касаба уюшма ташкилотларининг ҳаётга яқин бўлиши, муаммолар ичига кириб бориши самарали фаолият асоси бўлади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар етакчиларининг бир неча кундан буён давом этаётган ўқув-машғулотлари ана шу мақсадга қаратилган. ЎзКҲФК масъул ходимлари, Марказий Кенгаш мутахассислари ва олий ўқув юртлари олимлари томонидан ўқилаётган касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, ишловчилар ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, фаолларнинг маънавий-мафкуравий жиҳатдан етук бўлишини таъминлаш, молиявий иш юритиш йўриқларига бағишланган қатор маърузалар тинглovчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўқув-машғулотларида ўртага қўйилаётган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтиши унинг жонлилигини таъминламоқда.

— Ўтган йили илк бор бошланғич касаба уюшма етакчилигига сайландим, — дейди Тошкент вилоят Ўсмирлар маркази касаба уюшма қўмитаси раиси Зуҳра Саломуллаева. — Шу боис мазкур ўқув машғулотлари мен учун катта сабоқ бўлаяпти. Қолаверса, тажрибали касаба уюшма фаоллари билан мулоқотда бўлиш, ҳамкасблар ўртасидаги фикр алмашув назарий ва амалий билимларни бойитмоқда.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири
И.ҲАСАНОВ
олган суратлар

Ўқув

«IGO-TEX» - МАҲСУЛОТИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Пойтахтимиздаги «IGO - TEX» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури олтмиш иккитага етди. Бу ерда тикилаётган устки қийим-кечакларнинг бозори анча чаққон. Сабаби - сифати юқори, нархи нисбатан арзон.

Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган корхонада йилига 150 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, пешма-пеш сотувга чиқарилмоқда.

- Корхонамиз ташкил этилганида ишчиларимиз сони йигирма нафардан ошмас эди, - дейди жамият раиси Шавкат Жалилов. - Ҳозир улар юздан ошади. Харидорларнинг дид ва савияси ўсиб, истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини тобора кўпроқ таниб бораётган ҳозирги вақтда маҳсулотнинг, бежиримлиги ва сифати алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис биз айни жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Қолаверса, ички ва ташқи бозор талабларини ўрганмасдан кутилган натижага эришиш қийин. Шу кунларда баҳорбоп кийим-кечак тикишга ўтаяпмиз.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ иш олиб бораётган ушбу корхона ўз маҳсулотларини экспорт қилишни ҳам йўлга қўйди.

(ЎзА)

«ҚОСИМ КАРВОН»НИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛИ

Бундан саккиз йил илгари Қува тумани М.Раҳматов номидаги ширкат хўжалигида илк фермер хўжаликлари ташкил этилаётганда Қаҳрамон Сиддиқов ҳам танловда иштирок этиб, 58 гектар ерга эга бўлди - «Қосим карвон» фермер хўжалигини тузди. Унинг чекига тушган майдон адирликда жойлашган, тошлоқ ер эди. Фермер бундан чўчимади. Чунки мана шу ерларда отаси Зокиржон ака 38 йил бригадирлик қилган, унинг ҳар бир қаричини яхши биларди. Отаси Қаҳрамоннинг яқин маслаҳатгўйига айланди. Ўша йили фермер хўжалиги аъзолари пахтадан ҳам, ғалладан ҳам кўзланган ҳосилни олишди. Шундан бери фермер хўжалиги режаларни ортиғи билан уддалаб келади.

Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар

Бухоро вилоят Темирйўл масофаси касаба уюшма қўмитаси раиси Равшан Янгиев ёрдам сўраб мурожаат этган бирон кимсани эътиборсиз қолдирмайди. Мен ҳам бошимга оғир кун тушиб, ёрдамга муҳтож бўлганимда унга мурожаат қилиб, янглишмадим. Автоҳалокат туфайли ногирон бўлиб қолган фарзандимни даволаб, оёққа турғизишимда кўрсатган ёрдамини ҳеч қачон унутмайман.

ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

1996 йилда институтни тугатиб, корхонамизга ишга келган ёш Равшанжон ишчанлиги, ташаббускорлиги, жамоат ишларида фаоллиги туфайли кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Унинг шу хислатлари инобатга олиниб, 2002 йилда касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланди.

Дарҳақиқат, касалхонада даволанаётган беморларнинг ҳолидан хабар олишми, дафн маросимини ўтказаётганларга кўмак беришми, ёинки меҳнаткашларга қулай иш шароити яратишми – у барчасига бош-қош. Унинг саъй-ҳаракати туфайли ётоқхоналар таъмирланиб, жиҳозлар харид қилинди.

Кейинги йилларда корхонамизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари сезиларли даражада жонланмоқда. Натижада жамоамиз 2003-2004 йиллар давомида Бухоро минтақавий темирйўл узели корхоналари ўртасида волейбол, мини футбол мусобақаларида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Шахмат-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказиш ҳам жамоамиз ўртасида анъанага айланиб қолди.

Тани соғлиқ – туман бойлиқ, дейди халқимиз. Соғлом одамнинг иши ҳам, кайфияти ҳам аъло бўлишини касабақўм раиси яхши билади. Шу боисдан у ишчи-хизматчиларни турли сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари ва саломатликларини тиклашлари учун барча имкониятни сафарбар этмоқда. Кейинги икки йил ичида элликдан зиёд ҳамкасбларимиз "Назарбек" ва "Чимён" сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаб қайтди. Фарзандларимиз ҳар йилги ёзги мавсумни Самарқанд шаҳридаги "Дўстлик" болалар ёзги оромгоҳида мароқли ўтказишмоқда.

Ўтган йил ҳисобот-сайлов конференциясида Равшанжон Янгиевнинг юқоридаги ҳислатларини инобатга олиб иккинчи марта ўзимизга касабақўм этиб сайладик.

Жаҳон ҲАЙДАРОВ,
Бухоро вилоят темирйўл масофаси йўл таъмирловчиси

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Маълумки, қиш мавсумида газ таъминоти ходимларининг юмушлари бир мунча ортади. Қувурларнинг ҳолатини мунтазам назорат қилиш, истеъмолчиларга узлуксиз равишда газ етказиб бериш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. «Чирокчитумангаз» филиалида ҳам қишга тайёргарлик билан боғлиқ катор тадбирлар пухта тайёрланганлиги боис ишда маълум ижобий силжишларга эришилаётир.

Биргина якунланган йилда 18 километрдан зиёд масофага газ қувурлари тортилиб, чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи 700 та хонадон «зангори олов» тафтидан баҳраманд бўлди. Шунингдек, филиалимиз жамоаси газ тармоқлари корхоналари ва муассасаларининг кўз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида муайян ишларни бажардилар. Биринчи навбатда, таъминотда узилиш бўлмаслиги учун мавжуд камчиликлар бартараф қилинди. Қувурларнинг ҳолати доимий назоратга олинди. Мавжуд газ тақсимлаш қутиларининг барчасида профилактик сўзлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, газ тармоқларини халқалаш, янгиларини қуриш ва мавжудларини узайтириш, эскириб қолганларини янгилаш, таъмирлаш, босимни кучайтириш ҳамда бошқа чора-тадбирлар орқали таъминот яхшиланиб, қуввати оширилди.

Бундай ишлар, албатта, туманимизда газ етказиб беришни яхшилаш, аҳоли хонадонларида "зангори олов"дан фойдаланишни яхшилашга қаратилгандир. Шу кунларда мавжуд 5968 та аҳоли хонадонлари ҳамда 100 га яқин улгуржи истеъмолчиларга табиий газ ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилмоқда. Филиал томонидан ўтган йили аҳоли хонадонларига 23 миллион 450,3 минг метр куб «Зангори олов» етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични бир неча баробарга ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун эса самарали тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Масалан, Ҳ.Олимжон номли хўжаликдаги «Болсувор», «Соҳибкори» хўжалигидаги «Янги қишлоқ» хонадонларини табиий газ билан таъминлаш мақсадида 2 километрдан зиёд газ қувурлари тортиш мўлжалланган.

Шу билан бир қаторда бу беминнат ёқилғини тежаб-тергаб сарфлаш, ортиқча исроф бўлишига, талон-торож қилинишига йўл қўймаслик борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Актам РАҲИМОВ,
«Чирокчитумангаз» филиали бош муҳандиси

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг Навоий вилоят филиали ички имкониятларидан келиб чиқиб, янги уй-жой кредити линиясини жорий этди.

Кармана туманидаги «Дўрмон» қишлоғида яшовчи Меҳмоной Қаҳҳорова банк кўмагидан фойдаланган биринчи мижоз бўлди. 10 йил мобайнида узиш шарти билан олган маблағига у Навоий шаҳридаги Навоий кўчасидан икки хонали квартира сотиб олди..

КРЕДИТ ЛИНИЯСИ – ИМТИЁЗ

Айни пайтда банк мижозларга уй жиҳозлари, музлатгич, телевизор, совутгич, диван, кресло, компьютер, автомобиль ва бошқа буюмлар сотиб олиш учун ҳам узоқ муддатли кредитлар бермоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Навбаҳор туманидаги Бешрабод қишлоғида, Навоий шаҳридаги Гулистон бозорида, шаҳар марказида, Кармана тумани деҳқон бозорида қўшимча мини- банклар ишга туширилди. Банк мижозлари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Ташқи бошқарув — имконият

Ўтган йил Хоразм вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан хусусийлаштирилган, паст рентабелли, иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ёки ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатган 43 та корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи таҳлил қилиб чиқилди. Шундан 21 тасини тугатиш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

БАНКРОТ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАР

ўзини ўнглаб олди

Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунида тегишли тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида корхона қарзини тўлай олмаса, бундай ҳоллар банкротлик аломатлари сифатида эътироф этилиши таъкидланган. Хўжалик судида қарзи бўлган "Урганч ипак қурти уруғи" корхонасига ташқи бошқарув орқали банкротлик таомилини қўллаш белгиланди. Ўн бештa ишлаб чиқариш корхонасига нисбатан тугатишга доир иш бошланди. Қолган ташкилотлар қисқа даврда қарзларини узишга муваффақ бўлдилар.

Ташқи бошқарув ва тугатишга оид банкротлик таомилини қўллаш туфайли "Ирригация темир-бетон қурилиш", "Шовотподшипник", "Қўшкўпир парранда", "Сантехгазмонтаж" масъулияти чекланган жамиятлари ўзларини ўнглаб олди. Уларга нисбатан тугатиш жараёни тўхтатилди. 55 та ишчи ўрни қайта тикланди. Тугатилган корхоналар негизида ҳозиргача учта янги мулкдорлар субъекти ташкил қилинди. Уларда бозорбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халққа хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди Ж.Рўзиматов раҳбарлигида ташкил қилинган "Таъминот маркази" масъулияти чекланган жамият ана шулардан биридир. "Хиваавтохизмат" масъулияти чекланган жамият ўрнида барпо қилинган бу корхонада қисқа муддат ичида аҳолига харидбоп буюмлар ишлаб чиқарилди. 3 миллион сўмдан зиёд даромад қилинди.

Шунингдек, фаолияти тугатилган "Янгибозор агрокурилиш", «Янгиариқ агрокурилиш» корхоналари негизида иш бошлаган янги мулкдорлар ҳам рақобатбардош қурилиш материаллари ишлаб чиқариб, дастлабки ижобий қадамларини қўймоқдалар. Аммо, афсуслар бўлсинки, "Урганч сут" МЧЖ ва "Бахт" МЧЖ, Урганч қурилиш материаллари ҳиссадорлик жамияти каби корхоналарда соғломлаштиришга доир олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Хатирчи туманидаги Алишер Навоий, Қосим Раҳматов, Эшмурод Абдиев, Абдухолиқ Ҳалимов, Абдураҳмон Пўлатов номидаги ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида 200 дан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Навоий вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали ҳамкорликда янги фермерлар учун махсус ўқув-семинари ташкил этди. Фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий билимларини ошириш мақсадида ўтказилаётган мазкур анжуманда олимлар, етакчи мутахассислар, ташкилот раҳбарлари ўз маърузалари билан иштирок этмоқда.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ СТАНЦИЯ

Бугунги ҳаётимизни телефон хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қулай, узоқни яқин қиладиган тезкор бу алоқа воситасининг шиддат билан тараққий этиши, унга нисбатан аҳоли эҳтиёжи ва талабини янада орттирмоқда.

"Фарғонателеком" вилоят бўлимининг Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғланмасида аҳоли талабини қондириш, уларга намунали ва сифатли хизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Шу сабабли бу ерда янги электрон рақамли станциясини ишга тушириш мақсадида охирги монтаж ишлари ниҳоясига етказилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур хайрли иш "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг хитойлик мутахассислар билан амалга ошираётган лойиҳаси асосидадир. Бунга мувофиқ шаҳардаги 4-АТС ва Муқимий шаҳарчаси АТСи реконструкция қилиниб, замонавий янги электрон рақамли станцияга алмаштирилди.



Суратда: мутахассис Мақсул Ибрагимов.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат

САВОБГА ДАҲЛДОРЛИК

Ўтган 2005 йил жиззахлик йўлсозлар фаолиятида туб бурилиш йили бўлди. «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компаниясининг

«Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси йўлсозлари республика аҳамиятига молик 252 километр узунликдаги - Сирдарё вилояти чегарасидан то Самарқанд чегарасигача бўлган энг серқатнов йўлни таъмирдан чиқарди.

- Йўлнинг энг оғир қисми бизнинг ҳудудимизга тўғри келади, - дейди «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси бош муҳандиси Тоир Жўраев. - Мамлакатимиз халқаро аҳамиятга эга бўлган «М-39» йўлининг Жиззах шаҳридан то Самарқанд вилояти чегарасигача бўлган қисми тоғ бағирлари бўйлаб, қияликлардан, баландлик, бурилиш ва кўприклардан ўтади. Шунинг учун йўлнинг бу қисмида йўлсозларимиз анчагина тер тўкишди - 6 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Жорий йилда жамоамиз олдида янада катта вазифалар турибди. Корхонамиз тасарруфида 2,5 минг километрдан зиёд йўллар бор. Тан олиш керак, уларнинг ҳаммаси ҳам транспорт қатнови талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Айниқса, ички йўлларимиз анчагина таъмирталаб бўлиб қолган. Шунинг учун 2006 йилда ўтган йилгидан ҳам каттароқ ҳажмда иш бажаришимиз керак. Ҳозир асосий эътиборни корхонанинг моддий-техник базасини яхшилашга қаратяпмиз. Ўтган йили Сайхон асфальт заводини ишга туширганимиз ишимизни анча енгиллаштирди. Бу йил турли сабаблар билан ишламай турган яна 6 та заводни ишга туширамиз. Сифатли асфальт таъминотини яхшиласак, режалаштирилган ишларимизни муваффақиятли бажаришимизга шубҳа қолмайди.

(ЎзА)

Қарор ижроси билан кучли

БИРОВЛАРНИ АЛДАГАН аслида ўзини алдайди

Ғузор Қашқадарё вилоятидаги саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт ривожланган, юзлаб савдо, маиший хизмат ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхоналарига бой туманлардан бири. Ҳозирги пайтда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 947 нафар жисмоний шахслар рўйхатга олинган бўлиб, улардан бюджетга 100 миллион сўмга якин даромад солиғи туширилди.

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини ихчамлаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарорида ишбилармонларга катта имтиёзлар берилган.

Қарор ижроси билан кучли. Туманда назорат органлари раҳбарлари, хусусий савдо дўконлари, микрофирма, кичик корхоналар бошлиқлари ва ҳисобчилари, фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида семинар-кенгашлар ўтказилиб, Президент Фармонлари ва қарорларининг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Эндиликда микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар 4 йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари эса ҳар 3 йилда бир марта режа асосида текширилади. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида текширишдан ўтказилмайди.

Яратилган ҳуқуқий имкониятлар тадбиркорлар зиммасидаги масъулиятни оширади. Агар улар ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қила билсалар, ҳар жиҳатдан саводхон бўлсалар қабул қилинган ҳужжатлар янада асқотади. Бироқ тижоратни ҳақиқий касб сифатида ҳурмат қиладиган кичик бизнес вакиллари билан бирга ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўядиган "сохта тадбиркор"лар ҳам учраб турибди. «Чаноқ» маҳалласида яшовчи фуқаро Ўктам Назаров сифатсиз ўсимлик мойи тайёрлаган бўлса, "Ўзбекистон" кўчасида жойлашган болалар шифохонасида Нигора Остонова махсус рухсатномасиз дориларни сотиш билан шуғулланган.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш мақсадида мониторинглар ўтказилиши натижасида 66 миллион 100 минг сўмлик қўшимча маблағнинг банкка топширишга эришилди. Тумандаги "Бахмал" жамияти, "Жаҳонгир", "Асилбек Тўхтаев", "Дилмурод", "Юлдуз", "Нур-О", "Жасурбек", "Файз-Нур", "Умидилло" хусусий фирмалари, "Шўртангазсервис" корхоналарида 3 миллион сўмдан ортиқ нақд пул банк муассасаларига топширилмаганлиги аниқланиб, қонунбузарларга нисбатан 7 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди.

"Бахт" хусусий савдо дўконида 600 минг, Ишчилар таъминоти корхонасига қарашли ошхонада 279 минг, "Зариф Расул" хусусий фирмасининг тамаддихонасида 110 минг, "Аш-шифо" хусусий фирмаси дўконида 305,6 минг, "Ойдин", "Офарин", "Зурриёд" каби савдо шахобчаларида маҳсулот сотувидан тушган пуллар назоратчи-касса машинасидан ўтказилмаган, вақтида банкка топширилмаганлиги аниқланди.

Б.ИБРАГИМОВ,
Ғузор туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи

Сирдарё томонларда

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШТИРИЛДИ

Меҳнат кишини улуғлайди. У орқали катта ютуқларга эришилади, турмуш фаровонлиги таъминланади. Лекин меҳнат туфайли кўнгилсизликларга дуч келиш ҳам ҳеч гап эмас. Шу боис меҳнат муҳофазаси, хавфсиз иш ўринлари яратиш борасида тинмай изланишлар олиб борилади.

Сирдарё вилоятида айнан ана шу мавзуга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, меҳнат муҳофазасига дахлдор идоралар техника хавфсизлиги муҳандислари, касаба уюшма ташкилоти вакиллари иштирок этишди. Ҳудуддаги аҳвол таҳлил қилиниши билан бир пайтда соҳа вакилларига тегишли йўриқлар берилди. Илғорлар тажрибаси оммалаштирилди.

Ижтимоий муҳофаза кафолати-жамоа шартномаси ижросига боғлиқ. Хўш, бу борада нималарга эришилди? Меъёрий ҳужжат амалиётга қандай тадбиқ этилаяпти. Умуман олганда, жамоа шартномаси лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш аҳволи қай даражада? Меҳнат шартномаси тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича меҳнат қонунчилиги ижросига риоя этилаяптими?

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ХУСУСИДА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкил этган анжуманда ана шулар хусусида сўз борди. Тадбирда иштирок этган Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қ.Эшназаров Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорлари ижроси ва тармоқ ходимлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхталди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

«Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови

Ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ҳатти-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда. Айниқса, қонунчилик соҳасида ва ҳуқуқ-тартибот тизимидаги ислоҳотлар жамиятни янгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ГОЛИБГА АВТОМАШИНА

Энг қувонарлиси, ушбу тизим том маънода фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ҳақиқий органга айланаётганлигидир. Оддийгина қилиб айтганда, бугунги кунда бу тизимдан фуқароларимиз илгаригидай ҳадиксираш ёки чўчиш ўрнига улар билан бамаслаҳат ишлаш, керак бўлса кўмак сўраш каби ўзаро яхши муносабатда бўлишни ўрганмоқдалар. Буларнинг барчасини юртимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самараси, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги кўрсатмалари бугун ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Биргина мисол: профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида жиноятлар сони кескин камаймоқда.

Яқинда муҳташам "Туркистон" саройида бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилиб келинаётган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтганлигидан кўпчилик хабардор, албатта. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида ғолиб, деб топилган 14 та милиция таянч пункти вакиллари қатнашдилар.

4 та ҳудудга бўлиб ўтказилган ушбу танловда милиция таянч пунктлари фаолияти таҳлил қилиниб, маданий-маърифий кўргазманинг ташвиқот лавҳалари билан жиҳозланганлиги, фуқароларга яратилган шарт-шароитлар, ўзларига тегишли ҳудуддаги спорт майдончалари ва кичик бизнес тармоқларининг мавжудлигига асосий эътибор қаратилди.

Танловда 3-ҳудуд бўйича биринчи ўринга аталган асосий совриндор — "Дамас" автомашинаси Бухоро вилояти Ромитан тумани "Боғи-турон" қишлоқ фуқаролар йиғини 97-милиция таянч пунктига насиб этди.

— Ушбу милиция таянч пункти ишларининг биринчи ўринга лойиқ деб топилиши, тўғриси, Бухородан келган барча қатнашчиларни ҳаяжонлантириб юборди, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Одил Сайфиддинов. — Бундай тадбирларнинг ўтказилиши соҳа ходимларининг нафақат ўзаро тажриба алмашишлари, балки маҳалла фуқаролари билан янада яқинроқ муносабатда бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам уларга камарбаста бўлишимизга туртки бермоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Бухоро вилоятида вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, улар орасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини доимий меҳнатга жалб этиш яхши йўлга қўйилган. Танловда ҳам ана шу ютуқлар алоҳида тилга олиниб, чиндан-да мазкур соҳада вилоятда амалга оширилаётган ишлар ўрнак бўлар-даражада эканлиги таъкидлаб ўтилди.

— Мен бу мукофотдан жуда хурсандман, — дейди 97-милиция таянч пункти профилактика инспектори Мадиёр Мажидов. — Аммо бу ишончнинг масъулияти ҳам бор. Энди олдингидан-да кўпроқ ишлашим, янгиликка интилиб яшашим керак.

Аслида, Бухорода Мадиёр Мажидовга ўхшаган профилактика инспекторлари жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасини ғидқидилдан адо этмоқда. Энг асосийси, уларнинг ягона дастури огоҳлик ва ҳушёрликдир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ

Биздан сўраган эдингиз

Саволингизга ҳуқуқшунос Замира Эсонова жавоб беради

САВОЛ: агар ота ёки она вафотидан олдин ўзига тегишли бўлган уй-жой, мол-мулкни нотариал тартибда ҳеч кимга расмийлаштирмаган бўлса, бу уй-жой ва мол-мулк кимга топширилади?

А.АШУРОВ, Чиноз тумани

ЖАВОБ: Фуқаролик кодекси нормаларига биноан, фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши муносабати билан мерос очилади.

Мерос одатда ФКнинг 112-моддасига кўра, васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига киradиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Шунингдек, мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми ушбу Кодекснинг 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чақириладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Мамлакатимизда қандолатчиликка ихтисослашган корхоналар сонининг кўпаяётгани рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга замин яратмоқда. Пойтахтимизда 2004 йилда ташкил этилган «SPARTAK STIL» Ўзбекистон- Исроил қўшма корхонаси аҳоли дастурхонини қандолатчилик маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган корхоналардан. Бугунги кунда бу ерда ҳар хил конфет, зефир, мармелад, печенье, вафли каби ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланаяпти.

- Мамлакатимизда ишбилармонлик фаолияти учун яратилаётган қулай шарт- шароитлар бизнесимиз ривожида муҳим омил бўлмоқда, - дейди корхона бош директори Бахтиёр Шоюсупов ЎзА мухбирига. - Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йил 11 апрелда қабул қилинган «Тўғридан- тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада бизга, айниқса жуда қўл келди. Корхонамизга тўғридан-тўғри сармоя киритиш имкониятлари кенгайди. Бу эса маҳсулотлар турини кўпайтириб, сифатини сезиларли даражада яхшилашга шароит яратади.

Фарғона шаҳридаги 1-тиббиёт коллежида айни дамда ҳамширалик,акушерлик иши, лаборатория – диагностика, тиббиёт ускуналарини ўрнатиш, таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш йўналишларида 2572 нафар талаба таҳсил олаётган бўлса, ҳамширалик ва акушерлик иши ҳамда доришунослик йўналишлари бўйича 11-синф негизида шартнома асосида 665 нафар ёшлар сабоқ олишмоқда.

Коллеж "Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси асосида ўқув-амалиёт қуроллари билан жиҳозланган. Бу ерда Японияниг "Жака" ташкилоти томонидан кўплаб ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилди. Тиббиётга оид бўлган мазкур ўқув лабораторияларидаги ускуналар билим даргоҳида биология, анатомия ва физиология сингари соҳага оид фанларни янада мукаммал ўргатиш имкониятларни кенгайтирди.

БАҲОНИ ЎҚИТУВЧИ, ТАВСИФНИ ЎҚУВЧИ БЕРАДИ

Фарғонадаги 1-тиббиёт коллежида ана шундай амалиёт йўлга қўйилган

Вилоятдаги тиббиёт коллежлари ичида ягона бўлган мукаммал лаборатория ўқув хонаси ҳам биз ҳикоя қилаётган ўқув даргоҳига тегишли. Бу ерда қон гуруҳларини аниқлаш учун серодиагностика, стерилизация, постерлизация усуллари ўқув машғулотлари билан уйғун равишда олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ўқув-услубий ишлари 16 та фан кафедралари орқали амалга оширилади. Айниқса, жарроҳлик, акушерлик, геникология, ҳамширалик иши, она тили ва адабиёти, хорижий тиллар кафедраларида очиқ дарслар, семинар-тренинг, кўрик-танлов, илғор иш тажрибилари оммалаштириш каби тадбирларга катта эътибор берилмоқда.

— 2005-2006 ўқув йилидан янги ўқув режалари ҳар бир коллежнинг ўзида ишлаб чиқилиши, мутахассислар таклифларига биноан танлов соатларини тақсимлаш, лозим бўлганда янги фанлар киритилиши ўз самарасини бераяпти,—дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Осиёхон Гочардзе. — Ҳамширалик, акушерлик иши, лобаратория-диагностика, доришунослик йўналишлари касбий фанларига танлов соатлари ҳисобидан дарс соатлари қўшилган бўлса, медицина жиҳозини ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш йўналиши ўқув режасига янги схема техникаси асослари фани киритилган. Ўқув йили давомида ҳар бир ўқувчига берилган топшириқ асосида мураббийлар маслаҳати билан илмий-амалий анжуман, кўрик-танловлар, фан бўйича макетлар тайёрлаш, тематик ўқув стендлари яратиш ва бошқа тадбирлар талабаларнинг касбга оид назарий билимларини чуқурлаштиришда яхши натижа бермоқда.

Коллежда таълим тизими сифатини ошириш, мақсадида ўқув йили бошида танлов асосида 21 нафар врач-педагог ва 14 нафар умум-таълим фанлари ўқитувчилари ишга қабул қилинди. Бу ерда ўқитувчи ва мутахассисларнинг қобилият ва малакаларини аниқлашда анкета сўровларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Қатъий тартиб асосида ўтказилган мониторингда талабалар томонидан билдирилган фикрлар алоҳида инобатга олинади.

Таълим масканида ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, фан, спорт тўгаракларига жалб этиш, маданий-маърифий кечалар, кино ҳафталикларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Масалан, коллежда ташкил этилган фан тўгаракларига ўтган ўқув йили давомида 247 нафар талаба жалб этилган бўлса, ҳозирда уларнинг жами 700 нафарни ташкил қилмоқда. Коллеж кутубхонаси йил сайин керакли фан ва ўқув дарсликлари, бадиий адабиётлар билан бойитилмоқда. Айни кунда коллеж кутубхонасида 37 номдаги 625 минг сўмдан ортиқ электрон дарсликлар ўқувхоналардаги компьютерларга киритилган.

Сиҳат-саломатлик йили билан узвий боғлиқ бўлган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида коллежда таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга бепул тушлик ташкил этилган. Шунингдек, меҳнат шартномасига кўра устоз-мураббийларнинг дам олиши ва саломатликларини тиклашлари учун катта имкониятлар берилган.

«Туркистон-пресс»

ЭЛЧИХОНА ТУҲФАСИ

Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ханс Йоахим Киндерлен У. Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб шифохонасига еттита ногиронлар аравачасини топширди.

Элчи жаноблари шифохона фаолияти, бўлимларда ўтказилаётган муолажа ва машғулотлар билан танишди.

— Касалхона биноларини таъмирлашда, хоналарни тиббиёт ускуналари билан таъминлашда Германия элчихонаси мунтазам кўмак бериб келмоқда, —деди бош шифокор Ирина Савельева.— Умуман, болалар саломатлигини тиклашда давлат, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг доимий кўмагини ҳис қилиб турибмиз. Муассасамиз Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, мавжуд олтита бўлимда бош мия фалажи билан оғриган икки ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар даволанади. Болаларда бу хасталик хомиладорлик даврида грипп ва шунга ўхшаш касалликларни тўлиқ бартараф этмаслик, ҳомилага эҳтиётсизлик туфайли шикаст етказилиши туфайли пайдо бўлади.

Касалхона 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўн тўрт нафар олий тоифали врач, ўн уч нафар тарбиячи, ўн тўрт нафар ўқитувчи хизмат қилади. Ҳозирда шифохонада йилига минг нафардан зиёд бола даволанмоқда.

КЎЧМА ЖАМЛАНМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Муборак туманидаги 62-механизациялашган кўчма жамланма масъулияти чекланган жамияти жамоаси кўплаб ибратли ишларни амалга оширяпти.

Хусусан, қисқа вақт ичида "Қорлиқ" қишлоғидаги 9-умумтаълим мактаби капитал таъмирланди. Касби туманидаги "Фазли" қишлоғида 700 ўринли мактаб реконструкция қилинмоқда.

- Ўтган йили жамият ишчи-хизматчилари томонидан 589 миллион 964 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, — дейди жамият раиси Насриддин Назиров.

Мубораклик қурувчиларнинг жорий йилдаги режалари янада улкан. Муборак нефт ва газ конлари бошқармасига қарашли механика цехи лаборатория биносини қуриш, қўшни туманлардаги мактаб, коллеж биноларини таъмирлаш ва бир қанча қурилиш ишлари шулар сирасига киради.

Суратларда: жамият қурувчилари иш фаолиятидан лавҳалар.

А.ХУДОЁРОВ олган суратлар

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Бухоро туманининг "Туркон" қишлоғи марказида янги қишлоқ врачлик пункти очилди.

Шифохона хизматидан қўшни Тахмач, Афғон, Ҳазратбобо қишлоғи аҳолиси ҳам фойдаланиши мумкин. Янги бино қурилишига "Бухороқурилиш" акциядорлик жамияти 43 миллион сўм сарфлади.

Тадбиркорлик—давр талаби

Ҳар тонг ўзи тайёрлаган ширинлик маҳсулотларини олиб Ҳамидахон опа бозорга ошиқади. Унинг қалби ғоятда гўзал, меҳру муҳаббатга лиммо-лим.

УЙЧИ ҚАНДОЛАТЧИЛАРИ ДОВРУҒИ

Гапдан гап чиқиб бир куни Уйчи туманида истиқомат қилувчи дугонам билан тадбиркорлик хусусида суҳбатлашиб қолдик. Шунда дугонам маҳалладоши Ҳамидахон опа ҳақида анчагина сўзлади.

Ўз касбининг устаси, сўзи билан иши бир. "Уйчи" ширкат хўжалигидаги бўш ётган бинони ижарага олиб тадбиркорликка бел боғлаган Жўраевлар оиласи узоқни кўра биладиганлар хилидан экан. Улар дастлаб ишни ширинликлар ишлаб чиқарадиган технологиялар олиб келишдан бошлашди. Бунга тўрт миллионга яқин маблағ сарфлашди. Даргоҳда 5 та иш ўрни яратилиб, 13 хил қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Тайёрланаётган ширинликлар довруғи Наманганнинг Чорсу, Учқўрғон, Андижон вилоятининг чегарадош туман бозорларига ҳам ёйилди.

— Маҳсулотларимиз тоза хомашёлардан сифатли тайёрлангани учун харидоргир. Ҳар бир мижознинг таъби, дидини яхши биламан, — дейди Ҳамидахон Жўраева. Ҳозирги кунда маҳалладан 10 нафарга яқин қўли ширин, пазанда қизларга касб сирларини ўргатаяпмиз.

Тадбиркорнинг ўзи бир вақтлар касб-ҳунар билим юртининг ошпазлик бўлимида таҳсил олган. Шу боис бу масалада анчагина малакаси бор. Турмуш ўртоғи Абдуллажон ака опага қўш қанот. У шахсий "Жигули" машинаси билан кичик корхонада тайёрланган маҳсулотларни бозорга элтиб, улгуржисига сотиб келади. Бу даргоҳда тонг саҳардан Яратгандан ризқу-рўз сўрашиб, енг шимариб меҳнат қилинади. Корхонанинг санитария ҳолати ҳам талаб даражасида. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар баҳоли қудрат халқимиз тўкин дастурхонини безамоқда. Уларнинг сифат белгиси — корхонанинг тараққиёт ривожини кўрсатади.

Соҳибахон АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

ЭЗГУЛИККА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Бухоро туманидаги Новмитан қишлоғида икки қаватли бино ишга туширилиб, озиқ-овқат дўкони, маиший хизмат, кутубхона аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Қурилиш ишларини тадбиркор Қаҳрамон Сайфуллаев ўз маблағи ҳисобидан амалга оширди. Тадбиркор жорий йилда қуриладиган чойхонага ҳам ҳисса қўшиш ниятида.

Қилмиш-қидирмиш

«ПУЛ САВДОСИ» БАРОРИДАН КЕЛМАДИ

— Халоллик билан тадбиркорлик қилиб, эл корига ярашга нима етсин. Ўн йилдирки, кичик бизнес билан шуғулланаман, – дея фикрини изоҳлайди урганчлик Рустамбой Алланазаров. — Одамлар ҳақига хиёнат қилмасдан, сифатли ва истеъмолга яроқли маҳсулот сотаман. Ишбилармонликни тўғри ташкиллаштирганлигимиз сабабли ишларимиз доимо баророда. Фарзандларни ўқитяпмиз, уч нафарини уйли-жойли қилиб, янги уй қурдик, машина олдик, хонадонимизга қут-барака кираяпти...

Албатта, бозор тамойилларининг барқарорлашиши ва кичик бизнесни шакллантириш, уларга етарлича шароитлар яратиб, қўллаб-қувватлаш ишлари амалдаги қонунларимизда кенг ифодаланган. Бу соҳада Р.Алланазаров каби аниқ мақсадли йўлни танлаб олганлар ҳамда юртимизда рақобат бозорини шакллантириб, четга маҳсулот чиқариб, фаолиятини янада такомиллаштиришга бел боғлаган ишбилармонлар кўпчиликни ташкил этади.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмас экан. Тадбиркорлар амалдаги қонунлар доирасида қўллаб-қувватланаётганлигига қарамай, хуфёна йўллар орқали четдан яширинча, сифатсиз маҳсулотларни ҳудудимизга олиб кириб, ўз ошини ўзлари заҳарлаётган, одамлар саломатлигига путур етказаётган енг учидаги "ишбилармон"лар, афсуски, ҳамон учраб турибди. Ана шундай қинғир ишларда хотин-қизларнинг иштирок этаётгани, айниқса, ачинарлидир.

Тозагул Ражапова ташмачиликка қўл уришига зарурат ҳам йўқ эди. Негаки, яхшигина ҳунари бор. Оила даромади ҳам бошқаларникидан кам эмасди. Бироқ у эгри йўллар орқали тезда бойиб кетишга интилди. Шу мақсадда Қозоғистондан ҳеч бир ҳужжатсиз истеъмолга яроқсиз 12 ярим миллион сўмлик маҳсулотни олиб, Хоразм вилояти орқали Тошкент шаҳрига пуллашга ошиқди. Вилоят давлат божхона бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракати билан инсон ҳаёти учун зарарли маҳсулот ушлаб қолинди ва эгасига нисбатан тегишли тартибда қонуний чоралар кўрилди.

Истеъмол бозорининг юртимизда тобора кенг шаклланаётгани ва иқтисодий шароитларга мослашиб бораётганлиги нафақат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ташқи бозорларда ҳам ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга имкон бермоқда. Лекин "валютафурушлик" қилиб кун кечирмоқчи бўлаётган айрим кимсаларнинг қилмишларини оқлаш мумкинми?

Наргиза Мадраимова Шовот туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигининг ички айланма йўллари орқали 7 миллион сўм пулни олиб, Туркманистон Республикаси фуқароларига мўмайгина маблағга алмаштиришдек шум ният билан сафарга отланди. Шунингдек, "валютафуруш"ликда шу туманда истиқомат қилаётган Гулистон Худойбергенова ҳам ҳамтовоғидан қолишмас экан. У юртимиз ҳисобида турган 3200 АҚШ долларини ҳеч иккиланмай, қўшни республикадагиларга ҳадя этишдек ғаразли ният билан йўлга чиққанида, сафари эрта қаришини ўйлаб кўрмади.

Ҳозирги кунда "пул олди-сотдиси" билан шуғулланиб келган ҳар иккала "валютафуруш"ларнинг қилмишлари қонун устуворлигини таъминловчилар томонидан ўрганиб чиқилаётир. Бироқ шу ўринда бир мулоҳазали фикр туғилади. Уларнинг пул савдоси билан шуғулланаётгани нафақат унинг ўзига, балки юртдошларимиз шаънига ҳам тўғри келмаслигини ён-атрофдагилар наҳотки кўрмаётган, ҳис этишмаётган бўлишса? Ваҳоланки, бундай бўлмағур ишлар келиб чиқишининг олдини олишга йўғрилган бир қатор қонунларимиз бор ва унга фақат ҳуқуқий органлар эмас, балки кенг жамоатчилик ҳамда маҳалла кенгашлари ҳам жалб этилган.

Сифатсиз маҳсулот на савдога барака келтиради, на истеъмолга ярайди. Аксинча, билиб-билмасдан уни харид қилиб, сўнг саломатлигига путур етказаётганлар тўғрисида матбуотлардаги чиқишлардан кўп ўқиймиз, баъзан ўзимиз ҳам шундай маҳсулотлар хонадонимизга келиб қолганидан афсусланамиз. Демак бу — кўра-била туриб, ўз ризқимизга, ҳаётимизга хавф туғдириш билан баробар.

Хоразмлик Зулхумор Абдураҳимова оила қуриш нима, фарзанд ўстириш қандай бўлади, каби ҳаётий имтиҳонларни бошидан кечирган, турмушнинг барча аччиқ-чучуғини татиб кўрганлардан. Шунга қарамай, унинг қилган иши ўз фарзандига оғу бериш билан баробарга ўхшайди.

Ўша куни О.Жабборов бошқарувидаги давлат белгиси 22 I 9174 рақамли автомашинани тўхтатиб, назоратдан ўтказишнинг ўзи бўлмади. Юк эгаси ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, божхона ходимларини чалғитишга, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ўғринча маҳсулотни яширишга уринди. Аммо касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, З.Абдураҳимованинг ҳарҳашалари сабаби текшириш жараёнида очилиб қолди. Аниқланишича, у 7 миллион сўмликдан ортиқ етти турдаги ишлатишга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотларини Тошкент шаҳридан сотиб олиб, устама қўйиб пулламоқчи бўлаётган экан.

Божхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги олти ойда юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган ўнлаб тонна маҳсулотларнинг йўли тўсилди. "Божхона тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ҳалол йўл билан тадбиркорликни юритаётганларга эса етарлича шарт-шароитлар яратилаётир. Шунингдек, мавжуд қонунлар ижросини таъминлаш борасида ҳам соҳа мутасаддилари ҳуқуқ-тартибот идоралари, қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги мутахассислар ҳамкорлигида тарғибот ишларини олиб боришаётир. Лекин барибир, фуқаролар орасида нафс балосига йўлиқиб, ноқонуний ишларга қўл ураётганлар ҳамон учраб турибди.

Ҳабибулла АЗИЗОВ, Хоразм вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, подполковник, Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Болалар спорти

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. 2002 йил мобайнида ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланиши 17,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йил якунига кўра бу кўрсаткич 46 фоиздан ошди. 2003-2005 йилларда пойтахтимизда жамғарма томонидан 11 та спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда мазкур жамғармаларда 154 та спорт тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларда 4786 нафар ўқувчи-ёшлар ўз маҳоратларини оширмоқда.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда қабул қилинган манзилли дастурга кўра ўтган йили 3 та – Учтепа туманидаги 13-мавзеда, Шайхонтоҳур тумани Белтепа мавзеида, М. Улуғбек туманидаги Югнакий мавзесида II тип бўйича янги спорт мажмуалари тўлиқ фойдаланишга топширилди. 73 миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари келтириб ўрнатилди.

Кеча мазкур жамғарманинг йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан олиб борилган ишлар, янги қурилган спорт иншоотлари фаолияти ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

- Спорт мажмуамиз янги қурилган "илк қалдирғоч" масканлардан бири саналади, - дейди "Истиқлол" болажонлар тиббий кўрикдан ўтгач, имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларга қайси спорт тури билан шуғулланиши лозимлиги ҳақида маслаҳатлар берамиз. Чунки тўғри йўналтириш ҳам ғоят муҳимдир.

Ўтган йили мазкур жамғарма ташаббуси билан 19 марта оммавий спорт мусобақалари ўтказилди. Шаҳар Халқ таълими бошқармаси, "Хотин-қизлар қўмитаси" шаҳар бўлими, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда турли спорт тадбирлари ўтказилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ишонч" мухбири

ЧАНҒИЧИЛАР ЧИМЁНДА БЕЛЛАШДИ

Тошкент вилояти ҳудудидаги Чимён тоғларида тоғ чанғиси бўйича ташкил этилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида қирқ нафардан ортиқ спортчи куч синашди.

Тоғ чанғисининг слалом йўналиши бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган пойтахтлик спортчилар ўзини кўрсатди. Энг яхши натижани қайд этган Ксения Григорьева Гулиза Гаюпова ҳамда Мадина Расуловани ортда қолдириб, биринчи поғонани эгаллади.

Гигант слалом беллашувларида ҳам совринли ўринларни Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган спортчилар - Эльвира Халиулина, Ксения Григорьева ҳамда Мадина Расулова банд этди.

Эркаклар ўртасидаги слалом бахсларида 10-26 феврал кунлари Турин шаҳрида ўтказиладиган XX қишки Олимпиада ўйинларида қатнашишга ҳозирлик кўраётган Тошкент вилояти вакили Қайрат Эрматов ғолиб чиқди. Қолган совринли ўринлар тошкентлик спортчилар - Ноил Ширизданов ва Денис Григорьевга насиб қилди.

Кубок беллашувларида муваффақиятли иштирок этган Ноил Ширизданов гигант слалом бахсларида олтин медалга сазовор бўлди.

(ЎзА)



А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

БОКС СЕКЦИЯСИ ОЧИЛДИ

Болалар спортини ривожлантириш борасида Қанликўл туманида олиб борилаётган ишларга халқ таълими бўлимига қарашли спорт мактаби жамоаси ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Мактабда фаолият юритиб келаётган миллий кураш, каратэ ва волейбол секцияларида 326 нафар ўқувчи шуғулланаётган эди. Яқинда улар қаторига бокс секцияси ҳам қўшилди.

Эндиликда спорт мактабида маҳорат ошираётган ўқувчилар сони 624 тага етди. Ўн тўрт нафар малакали мураббий ёшларга спорт сирларини ўргатмоқда. Улардан Қутибой Аметов, Қувончбой Тўренов ва Улуғбек Жахсимуратовнинг шогирдлари туман ва республика беллашувларида яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

Мактаб жамоаси бу ерда маҳорат ошириб, бугунги кунда Тошкент ва Нукус шаҳарларидаги олийгоҳларда таҳсил олаётган кўплаб ёшлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгаши, Миллий мафкура илмий тарғибот маркази, Фан ва технологиялар маркази ҳамкорликда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили: мазмун ва моҳияти" рисоласини нашрдан чиқарди.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

юзингиз, ҳамёнингиз, дарвозангиз очиқ бўлсин

Рисола Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мазмун ва моҳияти, унинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари, ҳомийлик нима, шифокорлик-чи, ҳомийлик маданияти, шифокорлик касби қандай, бу касбнинг масъулияти нимадан иборат бўлиши керак, шифокор маънавияти хусусида содда тилда тушунча беради.

Юртбошимиз томонидан айтилган "Ҳомийлик деганда ён-атрофдаги бева-бечораларга, етимесирларга, муҳтож кишиларга қўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ва шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз" деган ҳикматомуз ибора рисола мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Айни вақтда бу сўзлар ҳар бир инсонда ҳомийлик ғурурини уйғотади, десак муболаға эмас.

Ойнинг ўн беш куни қоронғу, ўн беш куни ёруғ деганларидек, иссиқ жон касал бўлиши бор, ёки нимадир сабаб бўлиб омад юришмай қолиши мумкин. Буни ҳаёт дейдилар. Бундайларга ёрдам бериш, кўнглини олиш, қалбини оча олиши учун моддий ва маънавий кўмаклашиш лозим. Чунки бундай ҳолат ҳар бир инсоннинг бошига тушиши табиий бўлган бир ҳолдир.

Шунингдек, рисолада Республика Президентининг 2005 йил 16 декабрдаги "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши, 2006 йил 23 январдаги "Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури тўғрисида"ги қарори берилганки, бу барча касб кишилари учун тайёр қўлланмадир.

Рисоланинг "Биринчи фасли"ида Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мазмун-моҳияти мушоҳада қилинган. Дарҳақиқат, жиддий ўйлаб қаралса, 1997 йилдан бошлаб то шу кунгача йилларга бериб келинаётган таърифлар — "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр-мурувват йили", "Сиҳат-саломатлик йили" аслини олганда ижтимоий тараққиётнинг бош йўналишлари, сафарбарликни ўзида мужассам этган. Шу анъанани давом эттириш мақсадида 2006 йил юртимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинди.

Хўш, бу йилни бундай таърифлашдан мақсад нима эди? Биринчидан, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш, уларни рағбатлантириш, бу ҳаёт зарурати, эҳтиром ифодаси. Қалби дарё халқимиз, айниқса, ватанимиз тараққиёти бўлмиш ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш каби ҳомийлик ва шифокорлик масалалари теварагида атрофлича сўз боради рисолада.

Айни вақтда, таъкидлаб ўтилганидек, жамият тараққиётини бутунлай иқтисодий муносабатларга боғлаб қўйиш тўғри эмас, бу моддийчиликдан бошқа нарса эмас. Одамлар иродаси, азму-қарори, омилларни ҳам унутмаслик керак. Буюк аждодларимизнинг, шу жумладан, Амир Темур, Хожа Аҳрор, Алишер Навоий каби боболаримизнинг ҳомийлик бобида қилган бемисл фаолиятларидан замондошларимизни, биринчи галда, ёш авлодни хабардор этиш лозим.

Бинобарин, ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгалари, умуман қобилиятли ва уқувли шахслар алоҳида қадрланиши, уларга тегишли ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топиши учун етарли шарт-шароитни таъминлаб берилиши билан ҳам белгиланади.

Ривожланган, маданияти юксалган жамиятларда илм соҳиблари, истеъдодлар, маънавиятли покиза инсонлар миллатнинг юзи, ғурури, келажаги деб қаралиши ҳам шундан. Ва айни шу боис ҳам рисоланинг "Иккинчи фасли"да улуғ аждодларимиз Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхожа Беҳбудий, Абдурауф Фитратларнинг ҳомийлик ва саховат борасидаги ибратлари хавола этилган. Бир сўз билан айтганда, боболаримиз маънавий жиҳатдан чинакам бой-бадавлат кишилар эдилар. Биз учун ҳамиша шундай фазилатларга эга бўлиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Донолар даъват этадилар: биринчидан юз, иккинчидан ҳамён, учинчидан дарвоза очиқ бўлиши керак. Дил билан тилнинг бир бўлиши унинг яхши инсон эканлиги белгисидир.

Аҳмад Яссавий айтган эканлар: "Бир етимнинг бошини силаган кимса қиёматда дўзахга буюриладиган бўлса, унинг ўрнига менинг ўзим дўзахга тушаман".

Навоий бобомиз қўлидан келганча муҳтожларнинг бошини силаган. Фарибу бенаволар учун "Шифоия" шифохонасини қурдирган. Бу шифохонанинг 30 йилга етадиган муолажасини жамғариб қўйган. Авлоний эса Тошкентнинг Дегрез маҳалласида янги мактаб очган.

Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларга боғлаб берилган бўлим китобхонда ўзгача таассурот қолдиради, албатта:

"Сизлардан нималарни инфоқ (саховат) қилишни сўрайдилар. Айтинг: қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруққа, етим-есирларга ва йўловчи мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз шубҳасиз, уни Аллоҳ билгувчидир" ("Бақара" сураси 215-оят).

Рисоладан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига хос ва мос халқ мақоллари ҳам жой олган.

Насриддин БОТИРОВ,
Ҳикматилла СОЛИЕВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходимлари

Турмуш чорраҳаларида

ОНА ҚАЛБИ

— Тўйни тўхтатамиз, болам!

Қодир сапчиб ўрнидан туриб кетди. Унинг юзлари оқарган, ғазабдан лаблари дир-дир титрарди.

— Сизнинг замонингиз ўтиб кетган, ая. Намунча битта гапга ёпишиб олмасангиз?!

— Менда ҳам орзу-хавас бор, ўғлим... Келиним одоблигина бўлсин, дея ният қилганман. У қиз бизга тўғри келмайди!

— Агар ўшани олишимга кўнмасангиз, бошқа ҳеч кимга уйланмайман! — Қодир жаҳл билан эшикни "карс" этиб ёпиб, чиқиб кетди...

Она мунғайиб қолди. Нима қилсин? Кимдан маслаҳат сўрасин.

— Ая, Қодирингиз Самад муаллимнинг қизи Назирани яхши кўраркан, кеча келинойисидан эшитдим. Ҳар куни учрашишармиш!

— Малика шу гапни кўчадан топиб келганида онанинг юраги ҳапқириб кетганди, ўшанда. Ўғли ҳам йигит бўлиб, бировнинг қизига кўнгил қўйибди. Ҳадемай келин кўриб, бошини баланд кўтариб юраркан-да! Кўп ўтмай бу гап рост чиқди. Қизникига совчи жўнатишди. Самад муаллим ҳам, Хусния чевар ҳам ноз қилиб ўтиришмади, қайтанга "биз рози, ёлғизимиз олисга кетмай, шундоққина қўшни маҳаллага узатилса, кунора кўриб турамиз" дейишди. Хуллас, кексалар фотиҳаға қўл очишди. Унашув тўйи ўтказилди.

Она тўй тараддудига тушди. Кўрпа қавиди, келинга атаб куйлаклар харид қилди, уста чақириб уйнинг у ер-бу ерини тузаттирди. Келин-куёв яшайдиган хона ичи гул солиб безатилди. Ўша кунларда Малика онасига ичи ачишиб деди:

— Ая, жуда чарчаб қолаяпсиз. Мени оромгоҳда дам олаётган болаларга мураббия қилиб жўнатишаркан, кеча мактаб директори шунга чақиртирибди. Уч ҳафта тоғда бўламан, ўша ерда дам олиш уйи ҳам бор. Сизни ҳам олиб кетай, иккимиз ёнма-ён бўламиз, аҳволингиздан хабар олиб тураман, хўпми?

Она рози бўлди. У қизи билан тоққа жўнади. Икки ҳафталик ҳордиқ кўнгилдагидай ўтди. Она йўловчи машинадан тушиб, уйи томон буриларкан, кўча эшик қия очиқ турганини кўриб ҳайрон бўлди, "Қодир ишдан барвақт қайтибдими ё эшикни қулфлашни унутдимикан" ўйлади у. Шунда ичкаридан қиз боланинг қиқирлаб кулгани эшитилди-ю, кўнгли жойига тушди. "Қодир холаларининг бирорта қизини уйга чақирган шекилли..." Лекин, унга пешвоз чиққан ўғлини ёнидаги нотаниш қизни кўриб тўхтаб қолди, "Ким бўлдийкин бу?"

— Ассалому алайкум, аяжон! Қалай, тузукмисиз? Нега келишингизни хабар қилмадингиз, кутиб олгани чиқардим, — деди ўғли.

— Машиналар ғир-ғир қатнаб ётибди, ўғлим. Шундоқ чиқиб келавердим.

Сўнг ўғлига саволомуз қаради. Қодир онаси нима демоқчи бўлганини тушунди.

— Ая, бу қиз келинингиз Назира, ҳозир кетмоқчи бўлиб турувди.

— Майли, мен борай, — қиз изн сўрагандек Қодирга қаради ва эшик томон йўл олди. Она унга ҳеч нарса демади. Унинг кайфияти бузилган, ўзи ҳам шу топда ғалати аҳволга тушганди.

— У бу ерда нима қилиб юрибди? — деб сўради ўғлидан қизни кузатиб қайтганидан сўнг.

— Сиз йўқлигингизда келиб-кетиб юрди. Кир ювди, овқат пиширди, менинг кийимларимни дазмолларди...

— Бўлди етар! Қўни-қўшнилар ҳам унинг келиб юрганини кўришгандир?

Қодир бошини қашиди. Сўнг мужмалроқ жавоб қилди:

— Кўришди, шекилли...

— Эсингни еб қўйибсан, сен бола!

— Ая, бунинг нимаси ёмон? Бугун бўлмаса эртага... уйимизга келади-ку.

Она ўғлига ғазаб билан қаради, лекин ҳеч нарса демади. Ҳозирги кўрганлари дилини хира қилган, ҳаммасидан "нимаси ёмон" дегани ўтиб тушганди. Тавба, ҳали тўй бўлмасдан туриб келин қайнона уйига келиб юрса... Урф-одатларимизга тескари ишку бу. Тағин уялмасдан Қодир билан бирга қайнонага пешвоз чиққани-чи?!

Ҳеч бўлмаганда уй ичидан чиқмай турақолгандаям майлийди...

Хаёлга берилиб кетганидан Қодирнинг уйга кирганиниям сезмай қолди. Ўғил онасининг тушкун ҳолатини сезди, сўнг ҳазиллашиб вазиятни сал юмшатмоқчи бўлди:

— Ҳалиям бояги нарсаларни ўйлаб ўтирибсизми, ая? Ундан кўра қандай дам олганингизни гапиринг. Айтганча, Малика қачон келаркан?

Она хомушгина жавоб берди:

— Билмадим. Яна бирор ҳафта ўша ёқда қолади, шекилли... Ўғлим, Назиранинг бу уйга келаётганини уйидагилар билишармиди?

— Бўлмаса-чи! Ойиси ўзи рухсат берибди. Нега сўраяпсиз?

— Ўзим... қўни-қўшнилар нима деб ўйлашдийкин. Яхши иш қилмабсизлар. Ахир эл-юртчилик... Кўрган кўзга ёмон-да!

— Биз ҳеч қанақа ёмон иш қилганимиз йўқ! Кейин... у доим кундуз куни келиб, кеч тушмасдан уйига кетарди, ая...

— Барибир, бу яхши эмас!

Ўғил ҳайрон бўлгандек онасига қараб турди-да, сўнг ташқарига йўналди.

Онанинг юраги баттар сиқилди. Нафас олиши оғирлашаётгандай туюлди. Анчадан бери ҳавоси тозаланмаган бу хона тоғ ҳавосидан дили яйраб келган аёлнинг кўнглига ўтиришмаётгандай эди ҳозир. Шунда беҳосдан деворга осиғлик гилам устидаги суратга кўзи тушди.

Бир-бирига бош теккизиб турган келин-куёв. Улар тўйдан икки ой ўтиб, шаҳарга айлангани чиқиб тушишган, ўшанда "юр, суратхонага борайлик, иккимизни суратга олиб қўйсин" дея ялинибёлворган, келин базўр рози бўлганди. Мана, ўша сурат. Ёруғ кунлардан бир хотира. У кезларда Шоҳиста жуда ёш эди. Эндигина ўн олтига тўлганида Маҳмудга уналтириб қўйишди. Катталар ўн еттига тўлмаса ЗАГСдан ўтишига рухсат беришмаскан дейишгач, бир йилча кутишди. Бу вақт ичида Шоҳиста Маҳмуднинг узоқ-яқин қариндошига ҳам кўриниш бермасдан қочиб юрди. Эсида, бир куни йигитнинг янгалари ҳайитлик қилиб келишди. Ўшанда Шоҳиста уй ичида сочини ўриб ўтирганди. Кутилмаган меҳмонларнинг кимлигини сезгач, эшик қолиб деразадан чиқиб кўчага югурди. Дугонасининг уйига бориб ўтирди. Тўйдан кейин-чи?

Дастурхон бошига ҳамма йиғилган чоғларда келинчак безовталанаверар, уятдан ўзини қўйгани жой тополмасди. Шу тарзда икки йил ўтди. Қодир туғилгандан сўнггина Шоҳиста оилага кўникди.

Мана энди эса...

Йўқ, бўлмайди! Она ўғлига бунақа ҳаёсиз қизни раво кўрмайди...

— Яна ўша гап! Малика, аямга ўзинг тушунтир. У уч-тўрт кун менинг аҳволимдан хабар олиб турди, нима бўпти. Аямга шуниси ёқмаётганмиш!

— Қодир тўғри айтяпти, ая, — Малика акасининг гапини маъқуллади. — Ҳозир йигит-қизлар келажаклари ҳақида бемалол сўзлашаверишади. Ҳатто тўйдан аввал қайнонаси билан бирга чеварга бориб, никоҳ куйлагини буюртма берадиган қизлар ҳам бор, сиз эшитмагансиз-да.

Хуллас, она аввал "тўйни қолдирамиз" деган бўлса-да, сўнг ўйлаб-ўйлаб рози бўлди. "Тағин ўғлим мендан аразлаб бирор нохушликни бошлаб юрмасин!"

Тўй ҳам бўлиб ўтди...

— Ассалому алайкум, аяжон, чой ичинг!

Назиранинг ним табассум билан эгилиб чой узатиб туриши қайнонага хуш келаётган бўлсада, негадир ҳамон кўнглидаги ғашлик тарқамаётганди. "Феълим ҳам тор бўлиб қолибди, шекилли, шулар аҳил-иноқ яшашса бўлди-да, менга тағин нима керак" дея ўзини қойиди у. Шундан сўнг келини олдида чиройини очиб юрадиган бўлди. Лекин, орадан уч кунча ўтиб, бир воқеа бўлди-ю...

Ўша куни келин-куёв тараддудланиб қолишди. Кечки овқатга дастурхон ёзилди ҳамки, иккиси уйдан чиқавермади.

— Аканг билан келинойингни овқатга чақирмайсанми, — деди у қизига.

— Ая, улар тўйга боришмоқчи, — деди Малика.

— Қанақа тўй? Менга айтишмади-ку.

— Энди айтишса керак-да...

Бир пайт келин-куёв ясаниб чиқишди. "Ая, Назиранинг яқин дугонаси турмушга чиқаётган экан, шунга бориб келайлик" деди Қодиржон. Она ранжиди, икковиям ясаниб йўлга тушаётган вақтда рухсат сўрагани-чи?

— Ахир чиллалик бўлсанглар... Бемаҳалда йўлга чиқмай қўяқолинглар, болаларим, — деди она секингина.

Келинчак бу гапни эшитиб, бир чимирилиб қўйди. Қодиржон онасига таънаомуз деди:

— Эски гап-ку, бу, ая. Таксига ўтириб бориб келамиз, тўй ҳам ёп-ёруғ жойда — ресторанда. Ҳеч қаерда жин-ажиналар йўқ!

— Масхара қилма! Удумларимиз шундай. Чилласи чиқмаган келин-куёв бемаҳалда кўчада юрмайди! Бормайсизлар!

Онасининг кескин гапидан Қодиржон бўшашиб, ер остидан Назирага қараб "майли, бормай қўя қолайлик" деб шивирлади. Келинчак эрига тик боқди, сўнг атай товушини баланд кўтарди:

— Борамиз, мен дугонамга ваъда бериб қўйганман, кутишади! — Қодиржон ноқулай аҳволда қолди. У айни пайтда қандай йўл тутишни билмасди. Келинни етаклаб шартта уйдан чиқай деса бу ёқда онаизор... Агар тўйга боришмаса, Назира таънаю маломат қилмасмикин? Аччиқтизиқ гап айтиб, узиб олса-чи. Нима қилсайкин-а? У мадад кутгандек синглисига юзланди. "Сен ҳам бирор нарса десангчи аямга" дегандек тикилиб турди. Малика "мен нима қила олардим" дегандек елка қисди. Бу орада она ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан ичкарига кириб кетди.

— Майли, биз бир соатга бўлсаям тўйга бориб келайлик, аямга ўзинг айтарсан, — деди Қодиржон, сўнг иккиси бошлашиб чиқиб кетишди.

Шу воқеагаям бир ой бўлди, хонадонда ҳамон жимлик, фақат Малика чой устида у-бу гапларни айтиб даврага бироз жон киритганини айтмаса, келин, қайнона, ўғил бир-бири билан жуда кам сўзлашишади. Қодиржон ўша куни онасини қаттиқ ранжитганини билар, шунинг учун ич-ичидан изтиробда эди. Лекин, Назирада нима айб, бошқа хонадоннинг фарзанди, дугонасиникига боришни жуда-жуда хоҳлаганди-да. Барибир, ўртага совуқчилик оралагани ёмон бўлди... Бир куни Қодиржон кўчадан қўлида совға-салом билан кириб келди, бу пайтда онаси сўрида чой ичиб ўтирарди.

— Ая, бугун Назиранинг туғилгани куни, кечқурун ота-оналари келишаркан!

— Ҳа, яхши...

— Бозорга чиқиб келайми?

— Овора бўлма, уйда ҳамма нарса етарли. Маликага айтаман, ошга уннаб юборади. Мева-чевани ёнимиздаги дўкондан оламиз.

— Ҳозир келинингизга айтаман, қарашади у ҳам, — Қодиржон шу туғилган кун баҳона уйдаги нохушликлар барҳам топишини жуда истаётганди.

Қоронғу тушганда қудалар келишди. Барчаси сўрашиб-саломлашишди. Еб-ичишди, суҳбатлашишди. Қайнона-келиннинг бир-бири билан очилиб гаплашишмаётганини энг аввал Назиранинг онаси фаҳмлади ва қизидан сўради:

— Уришиб қолганмисизлар, нега қудамнинг кайфияти йўқ... Назира қайнонаси юмуш билан ташқарига чиққанда бўлган воқеани онасига айтиб берди. Хусния чевар дастлаб индамади, сўнг дастурхонга фотиҳа ўқилгач, қудасига қараб деди:

— Назира гапириб берди ҳаммасини. Ҳозирги ёшлар биз катталар билан ҳисоблашмай ўрганган-да, қудажон. Ўзлари билганидан қолишмайди. Нимаям қилардик, буларнинг замони бошқача!

Она чидаб туролмади, жаҳли чиққанини сездирмасдан секингина деди:

— Замонга нима қилибди. Қайси замонда бўлсаям ўзимизнинг урф-одатларни маҳкам ушлаган-ку кексаларимиз. Биз энди "булар ёш экан" деб индамасак, тўғри йўлга солиш ўрнига ихтиёрини ўзларига қўйиб берсак яхшими? Унда ота-онанинг не кераги бор, ахир!

Хусния чевар бу сўзлардан бир қизарди, бир бўзарди, сўнг гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Бизлар Назирани сизга қиз қилиб берганмиз, ўзингиз йўлга солиб олинг, айланай. Қизимиз ҳам пушаймон бўлаяпти қилган ишидан...

— Ҳечам-да! Мен пушаймон бўладиган иш қилганим йўқ. Назиранинг чертиб-чертиб гапириши ҳаммани ҳушёр торттирди, Хусния чевар қизига "бўлди, бас қил" дегандай олайиб қаради. Қодир эса "жим бўлинг" деб ишора қилди. Ўтирганлар бир зум индамай қолишди. Назира эса энди жим туролмасди.

— Мен янгича оилада ўсганман, шунинг учун қайнонамга ёқмаяпман. Буларга қолса, юзимни очиб кўчага чиқмасам!

— Ким сизга шундай қилинг деди. Онамни ноҳақ айбламанг,— Қодир чидаб туролмади.

Она индамади. Билади, хозир бирор нарса деса, дастурхон атрофидагилар барибир уни маъқулламайди. "Яна эскича гап қилаяпсиз" дейишади, сўнг яна кўнгил хиралиги... Бу кимга керак?

Она оғир "юк"ни елкасига ортган одамдек базўр ўрнидан турди, шу лаҳзаданоқ барча машаққатларга дош бериш кераклигини ич-ичидан англаб етди. Чеҳрасини очиб, меҳмонларга мулозамат қилди: "Хуш келибсиз, қудажонлар, қадамларингизга ҳасанот!"

Даврадагилар бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар қўмитаси раиси, Омбудсман вакили Лаълихон Муҳаммаджонова-га падари бузруквори **АШУРАЛИ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.30
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.